

**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛАУТДИНОВА КАМОЛА ШОМАНСУРОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛОГИСТИКА СОҲАСИГА ОИД
ТЕРМИНЛАРНИНГ СТРУКТУР-СЕМАНТИК ВА ЛЕКСИКОГРАФИК
ТАЛҚИНИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фани бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Алаутдинова Камола Шомансуровна

Инглиз ва ўзбек тилларида логистика соҳасига оид терминларнинг семантик ва лексикографик талқини.....

Алаутдинова Камола Шомансуровна

Структурно-семантическая и лексикографическая интерпретация логистических терминов в английском и узбекском языках.....

Alautdinova Kamola Shomansurovna

Structural-semantic and lexicographic features of logistics terms in English and Uzbek languages.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛАУТДИНОВА КАМОЛА ШОМАНСУРОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛОГИСТИКА СОҲАСИГА ОИД
ТЕРМИНЛАРНИНГ СТРУКТУР-СЕМАНТИК ВА ЛЕКСИКОГРАФИК
ТАЛҚИНИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fil1441 бюллетень рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джумабаева Жамила Шариповна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Саидкадирова Дилфузахон Саидкадировна
фалсафа фанлари доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

**Алишер Навои номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62; факс: (99871) 246-65-21; (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (3-қават, 3-11 аудитория).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-08-62, факс: (99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Э.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.А. Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида, хусусан, анъанавий терминологияда термин ва унга доир муаммолар, термин тушунчаси, терминнинг хусусияти, лексик-семантик ва структур таҳлили, лексикографик тадқиқи каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, замонавий тилшуносликнинг барча жабҳаларида бўлгани каби соҳа терминшунослигида ҳам назарий ва амалий масалаларни чуқурроқ тадқиқ этиш, айниқса, қардош бўлмаган тиллар мисолида соҳада қўлланиладиган терминларнинг ясалиши ва танлаши, уларнинг адабий тил нормаларига мос келиши, вариант ёки дублетларни аниқлаш муаммоси, терминларнинг даврлар мобайнида тўхтовсиз ўзгаришларга учраши, ривожланиши ҳамда шаклланишини чоғиштирма аспектда ўрганиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида янги йўналиш сифатида ривожланаётган логистика соҳаси истеъмолчиларнинг қулай, самарали ва тежамкор хизмат кўрсатишнинг ажралмас ҳамда зарурий воситаси сифатида мустаҳкам ўрин эгалламоқда, хусусан, ушбу соҳа терминларининг лингвистик аспектда тадқиқ этиш ҳам кўплаб тилшуносларнинг тадқиқот объектига айланмоқда. Логистика соҳасига оид терминларнинг ясалиши, мавзуй гуруҳларга оидлиги ва ушбу терминларнинг луғатларда берилиши масалаларига бағишланган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилиши терминология соҳасини янада ривожлантириш имконини беради.

Мамлакатимизда бугунги кунда ташқи ва ички бозор айланмаси ҳамда халқаро ҳамкорликни такомиллаштирилиши натижасида барча жабҳалар қатори иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан аҳамияти ошиб бораётган логистика соҳасини ривожлантириш муҳим вазифалардан бирига айланди. Шу йўсинда тадқиқотларнинг янгича замонавий йўналишларда олиб борилиши, соҳа вакиллари учун муҳим ва ёрдамчи манба вазифасини ўтайдиган илмий асосланган хулосаларни амалиётга татбиқ қилиш, ўз навбатида, мазкур соҳага доир изланишларнинг янада такомиллашувини тақозо этмоқда. Бу борада, терминларнинг лингвистик жиҳатдан тадқиқ этилиши борасидаги ишларнинг чоғиштирма аспектда чуқур ўрганилмаганлиги, хусусан, инглиз ва ўзбек тилларида логистика лексикографияси муаммоларига доир таклиф ҳамда тавсияларнинг ишлаб чиқиш заруратини мавжудлиги ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 18 мартдаги «2009-2013 йилларда темир йўл соҳасини ривожлантириш ва модернизациялаш тўғрисида»ги ПҚ-1074-сон қарори, 2017 йил 2 декабрдаги «2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3422-сон қарори, 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 5117-сон қарори, 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили»да амалга оширилишига оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация ишида эришилган хулосалар муайян даражада хизмат қилади ва ушбу соҳани янада ривожлантиришга замин бўла олади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Терминологик масалалар ҳақидаги муҳим маълумотлар рус ва хориж тилшунослари В.В.Виноградов, Б.Н.Головин, Г.О.Винокур, А.А.Реформатский, А.С.Герд, В.М.Лейчик, Р.А.Будагов, Д.С.Лотте, Л.Ю.Буянова, Л.А.Капаназе, К.Кагеура, Д.Сагедер, С.Якобсон, С.И.Ландау, С.Тарп, М.С.Мунозларнинг илмий асосланган ишларида атрофлича ёритилган¹. Терминология соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилаётганига қарамай, термин табиатига оид тўлиқ ўрганилмаган муаммолар ҳам мавжудки, уларни ўрганиш ва ечимини топиш замонавий лингвистик йўналишларга янгича ёндашув асосида мурожаат қилишни назарда тутлади. Ўзбек тилининг терминологик тизимлари Ҳ.Дадабоев, Т.Урунов, А.Қосимов, К.Хуррамов, К.Сапаев, А.Мадвалиев, И.Юлдашев, Н.Усмонов, З.Мираҳмедова, Н.Маматов, М.Саидова, Г.Ғуломова каби тилшунос олимлар² томонидан ўрганилган. Шунингдек,

¹ Виноградов В.В. Основные этапы истории русского языка // Избранные труды. История русского литературного языка. – М., 1978. – С. 10-64; Головин Б.Н. Лингвистические термины и лингвистические идеи // Вопросы языкознания, 1976. – № 3. – С. 20-34; Винокур Г.О. История русского литературного языка. – М., 2010. – 192 с.; Реформатский А.А. Как работать над терминологией. Основы и методы. – М., 1968. – 138 с.; Герд А.С. Еще раз о значении термина // Лингвистические аспекты терминологии. – Воронеж, 1980. – 70 с.; Лейчик В.М. Лингвистические проблемы терминологии и научно-технический перевод. Ч. II. Выпуск 18-й. – М., 1990. – 77 с.; Будагов Р.А. Введение в науку о языке. – М.: Добросвет, 2003. – 544 с.; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961. – 210 с.; Буянова Л.Ю. Когнитивно-семиотическая деривация как механизм формирования и эволюции современной финансово-экономической терминосферы // Вестник Челябинского государственного университета, 2013. – № 31 (322). Филология. Искусствоведение. Вып. 84. – С. 19-22; Капаназе Л.А. О понятиях «термин» и «терминология» // Развитие лексики современного русского языка. – М., 1965. – 136 с.; Kageura K. The Dynamics of Terminology: A descriptive theory of term formation and terminological growth / John Benjamins Publishing Co., 1964. – 322 p.; Sageder Dagmar Terminology Today: A Science, an Art or a Practice? Some Aspects on Terminology and Its Development Brno Studies in English. Volume 36. – № 1, 2010. – P. 134; Landau S.I. Dictionaries: The Art and Craft of Lexicography – N.-Y., 2001. – P. 477; Tarp S. 2012. Do We Need a (New) Theory of Lexicography? Lexikos 22. – P. 321-332; Muñoz M.S. Terminology. Unit I. Introduction to Terminology. Open courseware. University of Murcia, 2010. – P. 1-9.

² Дадабоев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. Дисс. ... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 406 с.; Дадабоев Х. Ўзбек тилида морфологик усул билан термин яшаш / Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. VII. – Тошкент, 2016. – Б. 4-10; Дадабоев Х. Немотивированные термины узбекского языка / Материалы международной практической конференции “Проблемы и перспективы развития высшего образования в современной конкретной среде”. II том. 30-Наурыз. – Шымкент, 2017. – С. 95-100; Урунов Т. Узбекская овцеводческая

Ҳ.В.Мирзахмедованинг форс тилининг транспорт ва С.Т.Мустафаеванинг хитой тилшунослик терминлари бўйича илмий ишлари мавжуд¹.

Чоғиштирма тилшунослик нуктаи назаридан терминология ва лексикографияга оид масалалар М.Э.Умархўжаев, И.Х.Садикова, С.Х.Нурматова, З.О.Турсунова, Х.Д.Палуанова, П.П.Нишонов, О.С.Ахмедов, Д.Х.Кадирбековаларнинг тадқиқотларида илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган².

Логистика соҳасига оид терминологиянинг тарихий-этимологик, структур-функционал, қиёсий-статистик, лексик-семантик хусусиятлари рус тилшунос олимлари В.В.Дубская, Е.И.Сергеев, А.Н.Стерлигова, А.К.Купцова, О.С.Каравайская, Б.С.Есенькин, М.Д.Крылова, Н.В.Петрова ва бошқаларнинг³ илмий изланишларида кенг ёритилган.

Мазкур ишлар эътиборга молик қизиқарли назарий фикр-мулоҳазаларни ўз ичига қамраб олган, аммо ҳанузгача логистика терминлари монографик

терминология (на материалах Кашкадарьинской области). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1964. – 32 с.; Косимов А. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – 23 б.; Хуррамов К. Узбекские народные географические термины, обозначающие рельеф Южного Узбекистана. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1984. – 32 с.; Сапаев К. Строительная терминология узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1984. – 33 с.; Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1986. – 28 с.; Юлдашев И.Ж. Библиотечно-библиографическая терминология узбекского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1988. – 32 с.; Усмонов Н. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси. Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1994. – 34 с.; Мирахмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси. Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1994. – 37 с.; Маматов Н. Узбекская хлопководческая терминология: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1995. – 29 б.; Саидова М. Наманган шеваларидаги қариндошлик терминларининг лексик-семантик таҳлили. Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1996. – 32 б.; Гуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг истиклол даври таракқиёти. Филол. фан. ном. ... дисс. Автореф. – Т., 2005. – 29 б.

¹Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясаиш усуллари. Филол. фан. б-а фалса. д-ри (PhD). ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 45 б.; Мустафаева С.Т. Хитой тилшунослик терминологияси. Фалсафа доктори. ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 42 б.

²Умархўжаев М.Э. Принципы составления многоязычного фразеологического словаря. Автореф. дисс. канд. ... филол. наук. – М., 1972. – 25 с.; Умархўжаев М.Э. Основы фразеологии: Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – М., 1981. – 45 с.; Садыкова И.Х. Принципы составления англо-русско-узбекского учебного словаря юридических терминов. Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1998. – 174 с.; Нурматова С.Х. Истоки формирования и функционирование астронавтико-космической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2000. – 24 с.; Турсунова О. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланган ҳуқуқий терминларнинг лисоний таҳлили. Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2007. – 26 б.; Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари. Филол. фан. д-ри дисс. – Т., 2016. – 230 б.; Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009. – 25 б.; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол. фан. д-ри дисс. – Т., 2016. – 255 б.; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. Филол. фан. б-а фалса. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 44 б.

³Dybyskaya V.V., Zaitsev E.I., Sergeev V.I., Sterligova A.N. Logistika (Polnyi kurs MBA) [Logistics (full course of MBA)]. – Moscow, 2011. – 944 p.; Стерлигова А.Н. Современные вопросы развития терминологии логистики // Логистика и управление цепями поставок. – М., 2004. – С. 113-121; Купцова А.К. Проблемы формирования терминологий новых наук (на примере логистики). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2007. – 18 с.; Каравайская О.С. Когнитивное моделирование терминосистемы транспортной логистики. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2020. – 18 с.; Есенькин Б.С., Крылова М.Д. Логистика в книжном деле. Учебник. – М.: Изд-во МГУП, 2002. – 335 с.; Петрова Н.В. Многокомпонентные термины сферы транспортной логистики современного английского языка: структура и особенности перевода на русский язык // Филология: научные исследования, 2017. – № 3. – С. 86-97. DOI: 10.7256/2454-0749.2017.3.23174 URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=23174

йўсинда, чоғиштирма аспект нуктаи назаридан, хусусан, инглиз ва ўзбек тиллари мисолида чоғиштириб ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Турли тизимли тилларнинг типологик ва чоғиштирма хусусиятлари» мавзусидаги илмий йўналиши доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида логистика соҳасига оид терминларнинг структур ва семантик жиҳатларини аниқлаш ҳамда аббревиатураларнинг ясалиши, луғатларда берилиши ҳамда изоҳланишига оид таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

термин ва терминологияга оид тадқиқотларини шарҳлаш ва ўзбек тилшунослари томонидан соҳа терминларига оид берилган таърифни мазмунан бойитиш мақсадида тўлдириш;

логистика соҳаси терминологик майдонига оид мавжуд назария ва қарашларни таҳлил қилиш ҳамда янги тизимга оид терминларни гуруҳлаштириш;

чоғиштирилаётган тилларда логистика соҳасига оид терминларнинг структур таҳлилини амалга ошириш орқали ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларида логистика терминларининг семантик хусусиятларидаги алломорфлик ҳамда изоморфликни ёритиб бериш;

ушбу соҳага оид аббревиатураларнинг компонент таснифини аниқлаш ҳамда аббревиатура ва терминларни луғатларда тартибга солиш масалаларига доир таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги логистика соҳасига оид терминлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек тилларидаги логистика соҳасига оид терминларнинг семантик ҳамда лексикографик хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лингвистик тавсифлаш, чоғиштирма, структур-семантик, семантик майдон таҳлили, компонент таҳлил, моделлаштириш ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

термин ва терминологияга оид тадқиқотлар шарҳланган ҳамда логистика соҳасига оид терминларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда термин тушунчасига берилган таъриф қўшимча изоҳ билан тўлдирилгани асосланган;

логистика соҳаси терминологик майдонига оид тўққиз гуруҳ билан бир қаторда, киберлогистика (онлайн логистика) ва реверс логистика каби гуруҳлар мавжудлиги замонавий ёндашув асосида исботланган;

чоғиштирилаётган тилларда логистика соҳасига оид терминларнинг структурасига кўра, туб, аффиксал (инглиз тилида префиксал-суффиксал, ўзбек тилида суффиксал) турлари, компонентлар сонига кўра, ҳар икки тилда

кўп компонентли терминларнинг фаоллиги, инглиз тилида предлогли бирикмалардан ташкил топган терминларнинг миқдори кўплиги далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларида логистика терминларининг синонимик муносабатларида ўзбек тилида дублетлик ҳолатлари, инглиз тилида функционал синонимлар ва вариантлик, антонимик муносабатларда конверсив, вектор ва градуал кўрсаткичли терминларнинг мавжудлиги, терминлар омонимиясининг соҳалараро ва соҳадан ташқари ҳамда полисемантик бирликларнинг ҳар икки тилда маъно ва сон жиҳатдан бир хиллилиги асосланган;

логистикага оид аббревиатураларнинг келиб чиқиш манбаларига кўра мавжуд саккиз гуруҳга янги *график тавтологик, омофонетик ва сон компонентли* турларини қўшиш таклиф этилган ҳамда соҳага оид терминларнинг полиграфик луғатларда алифбо тартибида компонентларнинг сонига ва терминологик майдонига, асосан, электрон иловаларда эса алифбоюли тартибда жойлаштириш мақсадга мувофиқлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

логистика соҳаси мутахассислари учун зарур қўлланма ҳамда терминлар ва аббревиатураларнинг батафсил изоҳларини ўз ичига олган уч тилли луғат «Инглиз-ўзбек-рус тиллари логистика терминларининг изоҳли луғати» яратилган;

мутахассислар ва талабалар учун логистика терминологиясига оид жамланган манбалар асосида «Инглиз-ўзбек-рус тиллари логистика терминларининг изоҳли луғати» электрон мобил иловаси ишлаб чиқилган;

яратилган босма ва электрон луғатлар олий ўқув муассасаларида тилларни чоғиштириб ўқитиш ҳамда ўрганишга, чоғиштирама ва қиёсий тилшунослик соҳалари бўйича махсус семинар-тренингларни ташкил этишда фойдаланиладиган материалларнинг мазмунини бойитган;

нофилологик олий таълим муассасалари талабалари учун ихтисослик бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар, икки ёки уч тилли ўқув терминологик луғатлар тузиш, инглиз ва ўзбек тиллари лексикографияси бўйича маъруза матнларини янгилашга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда олинган хулосаларнинг қатъийлиги, муаммонинг аниқ қўйилгани ва асослилиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, тегишли ташкилотлар тавсиясига кўра чоп этилган луғатлар, таҳлилларнинг инглиз ва ўзбек тили табиатидан келиб чиқилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга тадбиқ қилингани, шунингдек, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти логистика соҳасида қўлланиладиган янги терминологик бирликларнинг ҳосил бўлишида структур-семантик усул сифатида мураккаб лексик бирликларнинг таснифи, уларнинг тузилиши, лексик-семантик ва лексик-синтактик сўз яшаш усулларининг таҳлил қилиниши натижасида инглиз ҳамда ўзбек тилларига хос бир қанча фарқли

моделларнинг аниқланганлиги, шунингдек, логистика соҳасига оид аббревиатураларнинг янги турларининг мавжудлиги ажратилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, логистика, иқтисодиёт ва транспорт йўналишлари мавжуд бўлган олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда амалий дарслар, хусусан, логистика терминларини ўргатиш, уларнинг ўрганилаётган тилдаги эквивалентларини қиёслашда, шунингдек, филология йўналишларида таҳсил оладиган талабалар учун терминшунослик, лингвистика, лексикология, лексикография каби фанлар бўйича ўқув адабиётлар, маъруза матнлари тайёрлаш, семинар машғулотларини олиб боришда фойдаланиш учун таклиф ва тавсияларни ўз ичига олгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида логистика терминларининг шаклланиши, ривожланиши, структур-семантик ва лексикографик хусусиятларини очиб бериш бўйича олинган илмий натижалар ҳамда амалий таклифлар асосида:

термин ва терминологияга оид тадқиқотлар шарҳланган ҳамда логистика соҳасига оид терминларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда термин тушунчасига берилган таъриф қўшимча изоҳ билан тўлдирилгани, логистика соҳаси терминологик майдонига оид 9 та гуруҳ билан бир қаторда, киберлогистика (онлайн логистика) ва реверс логистика каби гуруҳлар мавжудлиги ва «O‘zbekiston» нашриёти томонидан чоп этилган «Инглиз-ўзбек-рус тиллари логистика терминларининг изоҳли луғати»дан «Логистик ёндашувлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш» хўжалик шартнома лойиҳасида фойдаланилган (Тошкент давлат транспорт университетининг 2022 йил 9 мартдаги 10-00/1257-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек тиллардаги логистикага оид бирикмаларнинг эквивалентлари, тилдаги муқобилини қўллаш усуллари, кўп компонентли бирикмаларнинг таржимасидаги юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш бўйича семантик-таркибий тартиблари тавсифи, мослаштириш усули орқали соҳа терминологик бирикларини адекват таржима қилиш энг мақбул усул эканлиги далиллаб берилган;

чоғиштирилаётган тилларда логистика соҳасига оид терминларнинг структурасига кўра, туб, аффиксал (инглиз тилида префиксал-суффиксал, ўзбек тилида суффиксал) турлари, компонентлар сонига кўра, ҳар икки тилда кўп компонентли терминларнинг фаоллиги, инглиз тилида предлогли бирикмалардан ташкил топган терминларнинг миқдори кўплиги ва логистика соҳасига оид терминларнинг изоҳли луғати моделида терминларнинг жойлашиш тартиби ҳамда изоҳли луғат яратишда терминларни талқин қилишда ишлаб чиқилган мезонлардан Эрасмус+дастурининг Project № 561574-EPP-1-2015-1-ES-EPPKA2-SBHE-JP-ECCUM: «Establishment of Computing Centers and Curriculum Development in Mathematical Engineering Master programme» грант лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Урганч давлат университетининг 2022 йил 11 майдаги 06-101/12 сон маълумотномаси). Натижада ўқув материалларида учраган логистика соҳасига

оид терминлар талқини ва таржимаси муаммолари ҳал қилиниб, тренингда инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги материалларни иштирокчиларга тушунарли ҳамда раво тилларда тақдим этилиши таъминланган;

инглиз ва ўзбек тилларида логистика терминларининг синонимик муносабатларида ўзбек тилида дублетлик ҳолатлари, инглиз тилида функционал синонимлар ва вариантлик, антонимик муносабатларда конверсив; вектор ва градуал кўрсаткичли терминларнинг мавжудлиги, терминлар омонимиясининг соҳаларо ва соҳадан ташқари ҳамда полисемантик бирликларнинг ҳар икки тилда маъно ва сон жиҳатда бир хиллиги жиҳатлари юзасидан келтирилган тавсиявий материаллардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston tarixi» телеканалининг муҳарририяти томонидан тайёрланган «Мавзу» ва «Тақдимот» номли кўрсатувларининг сценарийларини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг 2022 йил 29 апрельдаги 06-28-431 сон маълумотномаси). Натижада логистика соҳасига оид терминларнинг турли матнларда турлича берилиши, уларнинг бошқа соҳа терминларига ўхшашлиги (омонимлиги), маънодошлиги (синонимлиги) ва кўп маънолик жиҳатлари матн мазмунидан келиб чиқиб талқин этилишига оид тавсиялардан самарали фойдаланилганлиги туфайли соҳага оид термин ҳамда сўз бирикмаларини тўғри фойдаланилишига эришилган;

логистикага оид аббревиатураларнинг келиб чиқиш манбаларига кўра мавжуд 8 та гуруҳга янги *график тавтологик, омофонетик ва сон компонентли* турларини қўшиш таклиф этилган ҳамда соҳага оид терминларнинг полиграфик луғатларда алифбо тартибда компонентларнинг сонига ва терминологик майдонига, асосан, электрон иловаларда эса алифбо-уяли тартибда жойлаштириш мақсадга мувофиқлиги таклиф ва тавсиялардан «DACH SYNERGY JLT» халқаро компанияси томонидан ўтказилган бизнес-семинар ва касбий тренингда фойдаланилган («DACH SYNERGY JLT» томонидан 2021 йил 8 июльда берилган DSJLT21-0185 сон гувоҳномаси). Натижада инглиз ва ўзбек логистика терминларини ўзаро тушуниш масалалари, тил ўрганувчиларнинг мулоқот кўникмаларини оширишда терминларнинг таъсири ҳамда инглиз ва ўзбек қисқартмаларининг таржима қилиш муаммоларини бартараф этиш учун хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда мақола, жумладан, 9 та республика ва 4 та хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, жами 140 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тилшуносликда соҳага оид терминларни ўрганишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида терминологияга оид тушунчаларнинг илмий-назарий моҳияти, лексикографик талқини, терминологик майдон ва унинг таркибий гуруҳлари ҳамда логистикага оид терминлар таҳлил қилинган, термин хусусидаги тилшуносларнинг қарашлари илмий назарий жиҳатдан асосланган ва уларга муносабат билдирилган.

Тилшуносликда терминология тушунчаси умумий назариянинг асоси бўлиб, бир ёки бир нечта тилларда махсус соҳага оид лексик бирликларни тўплаш, таърифлаш, шакллантириш ҳамда тақдим этишни ўрганувчи фан сифатида талқин қилинади. Ушбу соҳада тадқиқотлар олиб борган Х.Фелбернинг қайд этишича, бу масалада уч хил фикр мавжудлиги таъкидланади: «1) соҳалараро фан бўлиб, махсус тушунчани ифодаловчи терминларни ўрганади; 2) махсус соҳага оид тушунчалар тизимини ифодаловчи терминлар мажмуи; 3) терминлар билан ифодаланган махсус соҳа тушунчаларининг тарғиб этилишидир»¹.

Тилшунос олимлар ўртасида терминологиянинг асосий объекти ҳисобланган терминга таъриф беришда қизғин мунозаралар ҳали ҳануз давом этмоқда. Рус тилшунос олими Б.Н.Головиннинг таъкидлашича, «Терминлар умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда жорий қилиниб, уларнинг зарурияти анланган ҳолда ўйлаб топилади»². Н.П.Кузькин: «Умумидабиётда кенг қўлланиладиган лексема барчага таниш бўлиб, терминологик соҳадаги термин эса фақатгина тор доирадаги мутахассисларга оид ҳисобланади», дея изоҳлайди³. Ушбу таърифларга кўшимча равишда П.П.Нишонов: «Термин-тузилишига кўра, сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир», деб таъриф беради⁴. Термин ва терминологияга оид тадқиқотлар таҳлил

¹ Felber H. Terminological work and standardization of terminology. – Paris, 1974. – P. 1.

² Головин Б.Н. О некоторых аспектах лингвистического и информационного изучения термина // Место терминологии в системе современных наук. Научный симпозиум. – М., Изд-во МГУ, 1970. – С. 41.

³ Кузькин Н.П. К вопросу о сущности термина // Вестник ЛГУ. – № 20. Вып. 4. – Л., 1962. – С. 132.

⁴ Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи. Номз. диссер. ... автореф. – Тошкент, 2009. – Б.17

қилиниши натижасида П.П.Нишонов томонидан термин тушунчасига берилган таъриф баъзи изоҳлар билан тўлдирилди ва қуйидагича берилди: Термин – бу ўз лингвистик табиатига кўра, адабий тил луғавий тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, бошқа тоифадаги сўзлардан касбий, илмий, техникавий тушунчаларни аниқ, ихчам ифодалаш ва ахборотга бойлиги билан ажралиб турадиган, тузилишига кўра, сўз ёки сўз бирикмаси, аббревиатура бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир, ўз навбатида, соҳа вакилларининг асосий алоқа воситаси сифатида хизмат қилади (тўлдирилган қисми диссертант томонидан ажратилиб кўрсатилган).

Лексикография фанининг ривожига экстралингвистик омиллар, луғатлар борасидаги турли таснифлар, шунингдек, лексикографияга оид назарий қарашлар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ушбу бобнинг иккинчи фасли лексикографияга оид тадқиқотлар ва назариялар талқинини қамраб олади. Давр талаби луғатчиликнинг янги назарий муаммоларига ҳам эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Бу борада полиграфик луғатлардан воз кечиб, электрон луғатлардан фойдаланиш заруриятини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Ўрганилган манбалар шуни кўрсатадики, лексикографиянинг янги йўналиши бўлмиш – киберлексикография ва таржима қилувчи мукамал дастурларнинг яратилиши, «эвристик воситаларни»¹ вужудга келиши, уларнинг назарий лексикографияга амалда тадбиқ этилиши, лексикография ва лингвистика соҳалари ўртасидаги боғлиқликнинг инобатга олиниши², металексикография назарий асосларининг устунлик жиҳатларининг ёритилиши³ натижасида лексикография соҳасида илм аҳли томонидан тан олинган замонавий, тўлиқ ва кенг қамровли моделларни шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, «logistica» сўзи юнонча илдизларга эга бўлиб, «амалий ҳисоблаш санъати» тушунчаларини англатади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, «логистика» сўзи Византия тарихида, аниқроғи ўзининг кудратли армияси ва ҳарбий санъати билан машҳур бўлган Лев VI (866-912) хукмронлиги даврида кўп бора тилга олинади. Императорнинг ҳарбий ютуқлари, қўшинларнинг малакали ҳаракати ва моддий-техник таъминоти билан боғлиқ равишда, унга логистика қоидалари ва тамойиллари ёрдамида эришилган ҳисобланади. Кейинчалик XIX аср бошларига келиб, «логистика» термини рус тилига француз ҳарбийси Антуан Жомини томонидан киритилган бўлиб, даставвал, ундан «таъминот» тушунчаси сифатида фойдаланилган. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб логистика иқтисодиётнинг барча тармоқларига кириб келди ва тушунча кўлами

¹Taurai Imbayarwo. A biblical hebrew lexicon for translators based on Recent developments in theoretical lexicography Dissertation presented for the Degree of Doctor of Literature at the University of Stellenbosch. Stellenbosch University, 2008. – 238 p.

²Gouws R.H. and Prinsloo D.J. Principles and Practice of South African Lexicography. – Stellenbosch: Sun Press, 2005. – P. 2.

³Hausmann F.J., Reichmann O., Wiegand H.E. and Zgusta L. (eds.). Wörterbücher/Dictionaries/Dictionnaires: An International Encyclopedia of Lexicography, vols. 1-3. – Berlin /New York: Walter de Gruyter, 1989-1991.

кенгайиб, зарур бўлган жойда керакли маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш, қабул қилиш каби маъноларда қўлланила бошлади.

Логистикани мутлақо янги билим соҳаси дейиш мумкин эмас, чунки у бошқарувнинг бошқа соҳалари билан кесишади, шунингдек, менежментдан ўзининг объект ва предмети орқали мутлақо фарқланиши боис ажралиб чиққанлигини таъкидлаш жоиздир. Изланишларимиз натижасида, логистика соҳасининг асосан ўн икки йўналиш билан кесишуви кузатилди. Фикримизча, логистика терминлар тизими мазкур тармоқлар билан чамбарчас боғлиқ тарзда ривожланади.



1.1-расм. Логистика терминологиясининг соҳалараро кесишуви.

Бу эса логистика терминологик тизими тўлиқ шаклланмай, хали ҳануз ривожланиш босқичида эканлигидан далолат беради. Ушбу тизим бири-бирига боғлиқ бўлган соҳа терминлари воситасида доимо тўлдирилиб кенгайиб боради. Мазкур тасниф логистика терминологик тизими В.М.Лейчик тавсифлаган унификация тамойили асосида шаклланганлигини тасдиқлайди¹.

Терминологик майдонларга ажратиш тамойилларига асосланган ҳолда А.К.Купцова инглиз тили логистика соҳасига оид терминларни 9 та терминологик гуруҳга ажратади². Шу нуқтаи назардан тадқиқотда қўшимча равишда терминологик гуруҳлар аниқланиб, уларнинг юзага келиш сабаблари, COVID-19 пандемияси ва мажбурий карантиннинг жорий этилиши билан изоҳланди. Шу аснода, барча соҳалар сингари логистиканинг ҳам онлайн тизимдаги фаолияти натижасида *киберлогистика (онлайн) – cyberlogistics (online)* (мижознинг веб-сайт ёки иловани кўриб чиқиш, буюртма бериш, онлайн тўловни амалга ошириш ва етказиб берилиш хизматини ўз ичига олади) ва *реверс логистика – reverse logistics* (онлайн логистика негизида юзага келиб, товарларни харидорлардан сотувчилар ёки ишлаб чиқарувчиларга қайтариш хизмати) каби йўналишлар юзага келди.


¹ Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура. – М., 2006. – С. 96-98.

² Купцова А.К. Проблемы формирования терминологий новых наук (на примере логистики). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 2007. – 18 с.



1.2-расм. Логистика терминларининг терминологик майдони.

Тадқиқотнинг «Инглиз ва ўзбек тилларида логистика терминологиясининг семантик ва структур таҳлили» номли иккинчи бобида чоғиштирилаётган тилларда логистика терминларининг структур таҳлили ҳамда ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, уларнинг синонимик, полисемантик, омонимик, антонимик хусусиятлари атрофлича тадқиқ қилиниб, улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар очиб берилган. Структур таҳлил натижаларига кўра, содда (туб), аффиксал ва мураккаб терминлар ажратилди. Содда терминларга мисол сифатида қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: инглиз тилида – *freight, load, leg, node, sight*; ўзбек тилида – *карго, транзит, ёрлиқ, тариф, маришрут*. Аффиксал терминлар инглиз тилида сермахсул бўлиб, *префиксал, суффиксал, префиксал-суффиксал* турлари характерлидир. Уларнинг ясалишида, асосан, *-ment, -age, -ance, -tion, -um, -ture, -ty* суффикслари фаол эканлиги кузатилди: *shipment, carriage, clearance, destination, addendum; debenture, penalty*. Шунингдек, *un-, over-, de-, dis-, non-, anti-, trans-, re-* префикслари ёрдамида ясалган терминлар ҳам кўп миқдорни ташкил этади: *unspecified product, overload; demise charter, dispatch; nondedicate; antidumping; transloading; resellers*, аксинча, префиксал-суффиксал турлари оз миқдорда учраши кузатилди: *acrocargos, replenishment; deconsolidator, disintermediation, subcontracting*. Эмпирик таҳлил натижаларига асосланган ҳолда 1000 тага яқин терминларнинг аффиксал ясалиши диаграмма орқали акс эттирилди.



2.1-расм. Инглиз тили логистика терминларининг ясалиши.


Ўзбек тилида эса қуйидаги қўшимчалар фаол эканлиги аниқланди:

-лик	-чи	-лаш	-иш	-ий
<ul style="list-style-type: none"> •аудиторлик текшируви, •диспетчерлик, •мувофиқлик сертификати •ҳамкорлик •консуллик декларацияси, •куррьерлик хизмати, 	<ul style="list-style-type: none"> •махаллий ташувчи, •шаҳар ҳайдовчиси, •истеъмолчи, •шартнома ижрочиси •лизинг олувчи, •йўловчи •юк жўнатувчи, 	<ul style="list-style-type: none"> •нархлаш тизими, •ҳисоблаш мезони, •юклаш порти, •брендлаш, •кадоқлаш, •омборда саклаш, •ҳаражатларни коплаш, 	<ul style="list-style-type: none"> •чиқариш порти, •бошқариш канали, •ўзгартириш агенти, •фрейтларни йиғиш, •маълумотларни киритиш, •тарқатиш маркази, 	<ul style="list-style-type: none"> •ахлоқий меъёрлар •яқуний позиция •жисминий тақсимот •шахсий дискриминация •манший омбор

2.2- расм. Ўзбек тилида энг фаол сўз ясовчи аффикслар.

Таҳлилий изланишлар жараёнида инглиз тили логистика терминларининг ясалишида энг фаол иштирок этадиган суффикслар *-er*, *-or*, *-age* ва префикслар *dis-*, *non-*, *re-* ҳисобланиши, ўзбек тилида эса энг самарали қўшимчалар сифатида *-лик*, *-чи*, *-лаш*, *-иш*, *-ий* эканлиги мисоллар ёрдамида асосланди. Бундан ташқари, турли тизимли тиллардаги (инглиз тили) логистика соҳасига оид терминларда ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, префикслар ёрдамида термин ҳосил қилиш усуллари кузатилди.

Шу билан биргаликда, логистика терминологиясида содда терминларга нисбатан бирикма терминлар кўп миқдорни ташкил этиши кузатилди. Таҳлилий маълумотларга кўра, инглиз тилида самарали ҳисобланган икки ёки уч компонентли бирликларнинг қуйидаги структур моделлари ажратилди: N + N модели: *import duty*; N + of + N модели: *port of discharge*; Adj + N: *proportional rate*; P. (participle) + N: *forecasting models*; P.P. (past participle) + N: *landed cost, guaranteed loans*. Шунга мувофиқ, икки компонентли композицион бирикмалар фаоллиги, от сўз туркуми барча бирикма терминларнинг ажралмас қисми эканлиги ва энг сермахсуллари сифатида *N + N* ва *Adj + N* моделлари аниқланди.



2.3-расм. Инглиз тили логистика терминларининг структур моделлари.

Ўзбек тилида эса логистикага оид икки компонентли бирикмаларнинг сўз туркумига кўра куйидаги моделлари кузатилди: Сифат + От: махсус омбор; От + От (эгалик қўшимчали): денгиз суғуртаси; Сифатдош + От ёлланган ташувчи; От + феъл (ҳаракат номи): тўпламни танлаш. Статистик таҳлил натижалари куйидаги диаграмма орқали асосланди:



2.4-расм. Ўзбек тили логистика терминларининг структур моделлари.

Таҳлил натижаларига кўра, содда терминлар аффиксация усули орқали, кўп компонентли бирликлар инглиз тилида $N + N$ модели остида, ўзбек тилида эса От+От (эгалик қўшимчали) модели асосида термин ясалиши усули устунлик қилиши изоҳланди. Инглиз тилида энг фаол ҳисобланган моделларидан $N + of + N$ модели ўзбек тили учун хос эмаслиги аниқланди. Ҳар икки тилда ҳам логистика терминологиясининг асосий қисмини кўп компонентли терминлар ташкил этиши далилланди.

Маълумки, терминларда синонимия ҳодисасининг учраши, яъни махсус лексик бирликлардан фойдаланиш, ҳозирги кунгача терминология соҳасига оид тадқиқотларнинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Махсус соҳада қўлланиладиган лексик бирликларнинг синонимик хусусияти замонавий тилшуносликда турли қарашларнинг пайдо бўлишига туртки бўлиб, Л.А.Булаховский ва Д.С.Лоттелар¹ «махсус сўзларда тўлиқ синонимияга умуман йўл қўйилмаслик керак» эътироф этсалар, Е.И.Толикина эса «илмий тил ҳис-туйғулардан холи бўлганлиги сабабли, махсус лексемалар фақат дублетлар сифатида синонимик муносабатни ифодалайди»² деб таъкидлайди. Бинобарин, махсус лексемалар синонимияси адабий тилдан стилистик функцияларни бажармаслиги билан фарқ қилади.

¹Булаховский, Л. А. Курс русского литературного языка: в 2 т. - 5-е изд., перераб. – Киев: Радянська школа, 1952. Т. 1. – 446 с.; Лотте Д.С. Некоторые принципиальные вопросы отбора и построения научно-технических терминов. – М.: Изд-во АН СССР, 1941. – С. 79-98.

²Толикина Е. Н. Некоторые лингвистические проблемы изучения термина // Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. – М. Наука, 1970. – С. 53-67.

2.1-жадвал.

Инглиз тили логистика терминларининг синонимлари

<i>Инглиз тилидаги термин</i>	<i>Синоними</i>	<i>Ўзбек тилида термин изоҳи</i>
<i>Customization:</i> Creating a product from existing components into an individual order.	<i>Build to Order</i>	<i>Мослаштириш:</i> мавжуд бўлган компонентлардан буюртма асосида маҳсулот яратиш.
<i>Dead on Arrival (DOA):</i> a term used to describe products which are not functional when delivered.	<i>Defective</i>	<i>Яроқсиз товар:</i> етказиб беришда яроқсиз товарларни тавсифлашда ишлатиладиган термин.
<i>Distributor:</i> A business that does not manufacture its own products, but purchases and resells these products.	<i>Wholesaler</i>	<i>Дистрибьютор:</i> ўз маҳсулотларини ишлаб чиқармай, лекин ўша маҳсулотларни сотиб олиб, қайта сотадиган компания.

Шунингдек, инглиз тилида логистика соҳасига оид терминларнинг Британия ва Америка вариантлари кўп миқдорда учраши кузатилди. Қуйидаги жадвалда улар вариант ҳисоблансада, маъно жиҳатдан фарқ қилмаслиги яққол намоён бўлади.

2.2-жадвал.

Британия ва Америка инглиз тили вариантлари

<i>Британия инглиз тили варианты</i>		<i>Америка инглиз тили варианты</i>	
<i>lorry</i>	<i>a large motor vehicle for carrying heavy loads by road</i>	<i>truck</i>	<i>an open railway vehicle for carrying goods or animals</i>
<i>docker</i>	<i>a person who works in the docks; loading and unloading ships</i>	<i>longshoreman</i>	<i>a person who works in the docks; loading and unloading ships</i>
<i>goods wagon</i>	<i>a wagon is a strong vehicle with four wheels, usually pulled by horses or oxen and used for carrying heavy loads</i>	<i>freight car</i>	<i>on a train, a freight car is a large container in which goods are transported</i>

Инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида нисбатан ёш ҳисобланган логистика соҳаси терминлари, асосан, инглиз ва рус тилларидан ўзлашган бўлиб, соф ўзбек тилидаги терминлар кам миқдорни ташкил этади. Изланишлар натижасида ўзбек тилига ўзлашган терминларнинг синоним дублетлар эканлиги аниқланди, масалан, *транспорт йўлаклари* – *транспорт коридорлари*, *сармоя* – *инвестиция*, *дилер* – *воситачи*. Шунингдек, ўзбек тили луғавий таркибининг асосини ташкил этувчи асли форс-тожикча ва арабча лексемалардан иборат логистика терминлар синономиясини ҳам кузатиш мумкин: *харидор* – *буюртмачи*, *харидор-мижоз*, *битим*– *шартнома*, *даромад-кирим*, *харажат* – *чиқим*. Дублет терминларнинг вужудга келиш сабабларидан яна бири, ўзбек тилида аввалдан қўлланилиб келган бирликларнинг рус-байналминал терминлари билан бир йўсинда истеъмолда эканлигида кўринади. Бир тушунчани ифодалаш учун бир вақтда ҳам

миллий, ҳам байналминал терминлардан фойдаланиш, нафақат логистика соҳасида, балки бошқа соҳа терминологиясида ҳам учраши билан аҳамиятлидир. Шу сабабли бундай синоним дублетлар муаммосини бирданига бартарф этиш мушкул масалалардан бири ҳисобланади.

Инглиз тилида логистика терминлари тизимида мавжуд лексемаларнинг фақат 1 %ни полисемантик хусусиятли терминлар ташкил этиши кузатилди: *terminal* – *терминал*: 1) йўловчи ёки юкларни чиқариш ва тушириш жойи; 2) портнинг (ҳаво ёки денгиз портининг) контейнерли ва боғлама юкларини сақлаш ҳамда қайта ишлашга мўлжалланган қисми; 3) умуман, катта миқдордаги юк, нарса-буюм вақтинча, мавсумий сақланадиган омбор, *patent* – *патент*: 1) ихтирочига давлат патент идораси томонидан бериладиган, унинг ўз ихтиросига муаллифлиги ва мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат; 2) Савдо сотиқ ёки бирор касб ҳунар билан шуғулланиш учун рухсат берилганлиги ҳақидаги ҳужжат.

Изланишлар жараёнида логистика соҳаси терминларининг омонимик хусусиятлари ҳам аниқланиб, омонимия ва полисемияни фарқлашда В.М.Лейчик: «полисемия олинган терминларнинг семантик структурасида умумий асосий семани сақлаб қолган ҳолда термин маъносини ажратиш ёки номни бошқа тушунчага ўтказиш натижасида ҳосил бўлади ёки аксинча, иккиламчи семалар бир-бирига мос келиб, асосий сема бўлинса, семантик омонимия ҳосил бўлади»¹ деб таъкидлайди. Логистикага оид терминларнинг омонимик хусусиятлари иккига бўлиб ўрганилади. 1. Соҳалараро омонимик хусусиятни ифодаловчи терминлар: а) *pipeline* (*юк ташвишида*) – *узоқ масофага труба орқали сув, газ ёки нефт маҳсулотларини ташвиш учун махсус қурилма*; б) *молни сотувчидан харидорга етказиш тизимининг энг мақбул ягона тузилмаси*. 2. Соҳалар доирасидан ташқари йўналишларга оид терминлар: а) *kangaroo-кенгуру (оммабон) Австралида яшовчи жонивор*; б) *kangaroo-кенгуру (логистикада) темир йўл платформаларида автомобилларни ташвиш*.

Терминологик антонимияга тўхталадиган бўлсак, айрим тилшунослар эътироф этганидек, «антонимия ҳодисаси тил лексик қатламининг бойишини адабий тил даражасида максимал таъминлашга хизмат қилади»². Н.С.Шарафутдинова, Ж.Багана, С.М.Величкова каби тадқиқотчиларнинг изоҳлашларича, антонимия ҳодисаси адабий тил лексик қатламига қараганда терминология соҳаларида анча кенг тарқалган. Бу ҳолатни илмий соҳада кўплаб қарама-қарши мазмунга эга бўлган тушунчаларнинг мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Кузатувлар натижасида инглиз тили логистикаси термин тизимида умумий салмоғи 52 жуфт антонимларни ташкил этиб, уларнинг қуйидаги турлари аниқланди: а) конверсив: *consignor* (*жўнатувчи*) – *consignee* (*қабул қилувчи*); б) вектор: *port of discharge* (*чиқариш порти*) –

¹ Лейчик В.М. Семантическая омонимия и многозначность в сфере терминов // Лексика и лексикография. – М., Наука, 1981. – С. 115-121.

² Rushton A. The Handbook of Logistics and Distribution Management: Understanding the Supply Chain. Fifth edition. L. Kogan Page, 2014. – P.89.

port of entry (кириш порти); в) градуал кўрсаткичли антонимлар: *high capacity* (юқори қувват) – *low capacity* (паст қувват).

Тадқиқот ишининг учинчи боби «**Инглиз ва ўзбек тилларида логистикага оид терминларнинг лексикографик муаммолари**» деб номланади. Бу бобда лексикография соҳасига оид муаммолар, луғатларнинг тилшунос олимлар томонидан яратилган типологияси, инглиз ва ўзбек тиллари логистика соҳасига оид аббревиатураларнинг ўзига хос жиҳатлари, этимологик ва махсус луғатлардаги изоҳлари ҳамда берилишлари ўрганилиб, соҳа терминларининг тартибга солиш масалаларига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот доирасида ўрганилаётган соҳа терминларини тартибга солиш мақсадида, ушбу соҳага оид луғатларни яратиш эҳтиёжи юзага келади. Шундай экан, биз тадқиқотимизда, даставвал, бир қатор олимлар томонидан келтирилган луғатлар типологиясини таҳлилга тортдик.

3.1-жадвал.

Луғатлар типологияси

Л.В.Щерба	В.В.Морковкин	В.М.Лейчик	З.И.Комарова
1. Академик луғат (меъёрий вазибаларни бажаради)	1. Номинал ва феъл бошқарувли сўз бирикмалар;	1. Тематик қамровли ДМ: кўп тармоқли, секторал (тематик), тор секторли (хусусий секторли);	1. Берилган тиллар сонига кўра: бир тилли, икки тилли, кўп тилли;
2. Луғат- маълумотнома (словарь-справочник)	2. Фразеологик луғатлар;	2. Луғат ёзувининг чап қисмининг ДМ мазмунига кўра (сарлавҳа сўзи) : терминли, термин элементли луғатлар;	2. Асосий мақсадларга кўра: изоҳли-таржимали-тизимли луғатлар;
3. Энциклопедик луғатлар (воқеликлар тўғрисида маълумот беради);	3. Кучли ва кучсиз фразеологик бирликлар, мақол ва маталлар, клишелар ва нутқ формулалари;	3. Луғат ёзувининг ўнг қисми ДМ мазмунига кўра: таржималар (эквивалентли), изоҳли, маълумот, атамалар, глоссарийлар, идеографик, дескриптор луғатлар;	3. Берилган соҳаларга ва соҳа тармоқларига кўра: кўп тармоқли – кам тармоқли;
4. Умумий луғатлар (маълум бир тилнинг лексик бойлигини камраб олади);	4. Лексик тизимнинг оддий бирликлари (синонимлар, омонимлар,идеографик луғатлар, хорижий сўзлар, неологизмлар);	4. Луғатларни тартибга солишнинг ДМ усулига кўра: алфавит ва ноалфавит тарзда (уяли, алфавит-уяли), статистик (алфавит ва ноалфавит);	4. Мақсадларга кўра: концептуал-частотали-тескари тартибда ўқув луғатлари;
5. Тезаурус (махсус ихтисослашган сўз бойлигини беради);	5. Лингвоцентриқ ва антропоцентриқ луғатлар;	5. Мақсади ва вазибаларининг ДМ га кўра: узус луғатлар (рўйхатга олиш, инвентаризация қилиш), тартибга солувчи (норматив), илмий-оммабоп, тезауруслар, классификаторлар, тизимлаштирувчи луғатлар);	5. Семантизацияга эгаллигига ва тамойилларига кўра: энциклопедик, изоҳли;

6. Оддий луғат (бир тилда барча лексикани беради);	6. Аспектли ва полиаспектли;	6. Тилларни қамраб олувчи ДМ га кўра: бир тилли, икки тилли, кўп тилли луғатлар;	6. Луғат тузилишига кўра: тўлик-ўрта-қисқа, инсонларга, компьютерга асосланган луғатлар;
7. Изоҳли луғат (бир тилли луғатлар)	7. Маълумотларни аниқлаш усулига кўра: изоҳли ва демонстратив; рецептив (қабул қилувчи) пассив, продуктив (самарали), актив луғатлар	7. ДМ янгилигига кўра: янги атамалар луғатлари ¹	7. Мақсадларига кўра: инсонларга мўлжалланган ва компьютерлар учун тузилган луғатлар
8. Таржима луғат (икки ёки кўп тилли);	8. Диахроник ва синхроник луғатлар;		7. Йўналишига кўра: таълим мутахассислари изланувчилар-амалиётчилар, талабаларга мўлжалланган луғатлар;
9. Сўз бойлиги тарихий бўлмаган (сўз бойлигини синхрон акс этириш);	9. Тил материалнинг жойлашиш хусусиятига кўра: формал тартибга солинган (алифбо тартибда: тўғри ва тескари тартибда) ва мазмунига кўра: идеографик ва уяли;		8. Терминларнинг жойлашуви бўйича: алфавит-уяли, уяли-алфавитли, идеографик-иерархик ;
10. Тарихий луғат (этимологик луғатлар) ² .	10. Яратилиш услубига кўра: автоном ва ўқув луғатлари;		9. Узуснинг нормализация даражасига кўра: норматив-стандартлаштирилган;
	11. Мустақил ва бирлаштирилган (қўшма) луғатлар;		10. Терминларнинг замонавийлик даражасига кўра: янги – тарихий ³
	12. Типографик ва компьютерли луғатлар		

